

билан сайландилар. Бундан, 37 нафари аёллар, 4 нафари ёшлар, 23 нафари ўрта-махсус маълумотли, 105 нафари олий маълумотли, 21 нафари (16.4%) биринчи бор сайланган, Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари 2 нафарини ташкил этади.

934 нафар касаба уюшма қўмитаси раисларининг 403 нафари хотин-қизларни, 20 нафари 30 ёшгача бўлган ёшларни, биринчи марта сайланганларни 179 нафари (19%) ташкил этади.

Касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчилари 2373 нафар сайланган, шундан 1777 нафари аёллар, 243 нафари ёшлар, 1558 нафари ўрта-махсус маълумотли, 815 нафари олий маълумотли, 845 нафари (36%) биринчи бор сайланган.

Цех қўмиталари аъзолари, шу жумладан раиси ҳам 23314 нафар сайланган, шундан 17706 нафари аёллар, 2979 нафари ёшлар, 16105 нафари ўрта-махсус маълумотли, 7189 нафари олий маълумотли, 9722 нафари (42%) биринчи бор сайланган. Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари 3 нафарини ташкил этади.

Цех қўмиталари раислари 7764 нафар сайланган, шундан 5459 нафари аёллар, 851 нафари ёшлар, 5184 нафари ўрта-махсус маълумотли, 2580 нафари олий маълумотли, 3743 нафари (48%) биринчи бор сайланган.

Касаба уюшмаси қўмиталари аъзолари, шу жумладан раислари ҳам 6123 нафар сайланган, шундан 3877 нафари аёллар, 673 нафари ёшлар, 3827 нафари ўрта-махсус маълумотли, 2296 нафари олий маълумотли, 2197 нафари (36%) биринчи бор сайланган. Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари 7 нафарини ташкил этади.

Касаба уюшмаси қўмиталари раислари 924 нафар сайланган, шундан 392 нафари аёллар, 19 нафари ёшлар, 179 нафари ўрта-махсус маълумотли, 745 нафари олий маълумотли, 287 нафари (31%) биринчи бор сайланган.

Касаба уюшмаси ташкилотчилари 10 нафар сайланган, шундан 9 нафари аёллар, 0 нафари ёшлар, 6 нафари ўрта-махсус маълумотли, 4 нафари олий маълумотли, 845 нафари (40%) биринчи бор сайланган.

Тафтиш комиссиялари аъзолари, жумладан раислари ҳам 2445 нафар сайланган, шундан 1155 нафари аёллар, 125 нафари ёшлар, 1135 нафари ўрта-махсус маълумотли, 1310 нафари олий маълумотли, 935 нафари (38%) биринчи бор сайланган.

Тафтиш комиссиялари раислари 817 нафар сайланган, шундан 401 нафари аёллар, 24 нафари ёшлар, 272 нафари ўрта-махсус маълумотли, 541 нафари олий маълумотли, 298 нафари (37%) биринчи бор сайланган.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг айрим ҳудудий кенгашларида ҳисобда турадиган, 1 фоизли касаба уюшма бадали кенгаш ҳисоб рақамига тушадиган 117 та бошланғич ташкилотларда Тафтиш

комиссиялари тузилмаган. Булар, Хоразм вилоятида 27 та, Сирдарё вилоятида 7 та, Қашқадарё вилоятида 8 та, Жиззах вилоятида 5 та, Навоий вилоятида 17 та, Самарқанд вилоятида 4 та, Фарғона вилоятида 49 та ташкилотлардир.

2025 йилнинг июнь ойида тармоқ, касаба уюшмасининг ҳудудий бўлинмаларининг ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилиб, Конференцияларга қуйи ташкилотлардан сайланган 935 нафар делегатлардан 866 нафари иштирок этди. 69 нафар делегатлар узрли сабабларга кўра иштирок эта олмади.



Кенгаш аъзолари 310 нафар сайланган. Улардан 99 нафари аёллар, 4 нафари ёшлар, 42 нафари ўрта-махсус маълумотли, 268 нафари олий маълумотли, 104 нафари (34%) биринчи бор сайланган, касаба уюшмаси ходимлари 145 нафар, Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари 8 нафарини ташкил этади.

Ҳудудий кенгаш аъзолари ичидан 102 нафар Раёсат аъзолари сайланган. Улардан 44 нафари аёллар, 0 нафари ёшлар, 14 нафари ўрта-махсус маълумотли, 88 нафари олий маълумотли, 24 нафари (24%) биринчи бор сайланган, касаба уюшмаси ходимлари 68 нафар, Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари 7 нафарини ташкил этади.

14 нафар кенгаш раислар юқорида айtilган Низом талабларидан келиб чиқиб, яширин овоз бериш йўли билан сайландилар. Улардан 6 нафари аёллар, 1 нафари ўрта-махсус маълумотли, 13 нафари олий маълумотли, 3 нафари (21.4%) биринчи бор сайланган. Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари 1 нафарини ташкил этади.

Кенгаш раисининг жамоатчилик асосидаги ўринбосарлари 14 нафар сайланган. Улардан 6 нафари аёллар, 0 нафари ёшлар, 2 нафари ўрта-махсус маълумотли, 12 нафари олий маълумотли, 3 нафари (21.4%) биринчи бор сайланган, касаба уюшмаси ходимлари 10 нафар, Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари 2 нафарини ташкил этади.

Тафтиш комиссияси аъзолари 42 нафар сайланган. Улардан 15 нафари аёллар, 1 нафари ёшлар, 18 нафари ўрта-махсус маълумотли, 24 нафари олий маълумотли, 17 нафари (40.4%) биринчи бор сайланган, касаба уюшмаси ходимлари 18 нафар, Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари 2 нафарини ташкил этади.



Ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялар 187 мартаба республика оммавий ахборот воситаларида, 968 мартаба ижтимоий тармоқларда ёритилди ва 409 мартаба Республика Кенгашининг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилди. Телерадиоканалларда 105 мартаба ёритилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларда тармоқ, касаба уюшмасининг ҳудудий кенгашларидан 935 нафар вакил, тармоқ, касаба уюшмаси Республика Кенгашидан 348 нафар вакил, ЎзКУФнинг ҳудудий кенгашлар 127 нафар вакил, ЎзКУФдан 34 нафар вакиллар иштирок этди.



Тармоқ, касаба уюшмасининг ҳудудий бўлинмаларининг ҳисобот-сайлов конференцияларида 2025 йилнинг 12 август куни бўлиб ўтадиган тармоқ, касаба уюшмаси Курултойига белгиланган меъёр асосида 160 нафар делегатлар сайланди.

Бугунги кунда янги сайланган касаба уюшма қўмита, цех, гуруҳ, айниқса биринчи марта сайланган раислари билан ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда ва уларга амалий–услубий ёрдам берилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси томонидан ҳисобот даврида белгилаб олинган фаолиятнинг асосий устувор йўналишлари, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг “Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!” шиори остида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан 2020 йилнинг август ойидан 2025 йилнинг август ойи давомида қатор ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг корхона, ташкилот ва муасасаларда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, Устав талаблари асосида самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асосларни ва барча шарт-шароитларни яратиш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳисобот даврида Республика Кенгашининг Мажлиси 15 мартаба ўтказилиб, уларда 34 та долзарб масалалар - касаба уюшмаси тузилмасини такомиллаштириш, ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси, касаба уюшмаси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ташкилий масалалар муҳокама этилиб, ижрога йўналтирилди. Республика Кенгашининг Ижроия қўмитаси йиғилишлари 18 мартаба бўлиб ўтди. Уларда ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муҳофазаси ҳимояси, бошланғич ташкилотлар ўз фаолиятларини Устав талаблари асосида олиб боришлари, нодавлат ва янги ташкил этилган ташкилотларни касаба уюшма хизматига олиш, бандлик, коллеж битирувчиларинг иш билан таъминланиш, соғломлаштириш, маънавий-маърифий ва спорт, ёшлар ва молиявий масалалари юзасидан 174 та асосий масалалар муҳокама этилди, Ижроия қўмита йиғилишлари оралиғида 510 тадан зиёд турли йўналишлардаги масалалар кўрилиб, ижрога киритилди.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантириш мақсадида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” кафедрасининг ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари раҳбар ходимлари учун даврий “Бошқарувчилар мактаби” 60 кредитли махсус интеграцион мавзуий малака ошириш цикли иштирокчилари, соғлиқни сақлаш тизимида раҳбар ходимларнинг стратегик резервига номзодлар, соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, умумий малака ошириш цикли бўйича бирламчи тиббий санитария муассасалари — ОШП, ОП, КТМП раҳбарлари учун, даволаш-профилактика муассасаларининг олий маълумотли, бош ва катта ҳамширалари ва ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари билан тузилган ҳамкорлик дастурларига биноан махсус интеграцион мавзуий малака ошириш циклини офлайн, онлайн, сайёр, масофавий ўқув-семинарлари тизимли давом эттирилди.

Ушбу ўқув дастурлари асосида 2020 йилда 798 нафар бош шифокор, бош шифокор ўринбосарлари, раҳбарликка захирага олинган кадрлар ва 377 нафар олий тоифали бош ҳамширалар, 2021 йилда 373 нафар бош шифокор, бош шифокор ўринбосарлари, раҳбарликка захирага олинган кадрлар ва 290 нафар олий тоифали бош ҳамширалар, 355 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар, 2022 йилда 582 нафар бош шифокор, бош шифокор ўринбосарлари, раҳбарликка захирага олинган кадрлар ва 96 нафар олий тоифали бош ҳамширалар, 400 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар, 2023 йилда 444 нафар бош шифокор, бош шифокор ўринбосарлари, раҳбарликка захирага олинган кадрлар ва 55 нафар олий тоифали бош ҳамширалар, 291 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар 2024 йилда 208 нафар бош шифокор, бош шифокор ўринбосарлари, раҳбарликка захирага олинган кадрлар ва 105 нафар олий тоифали бош ҳамширалар, 283 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар, 2025 йилнинг 1-ярим йиллигида 483 нафар соғлиқни сақлаш тизимида раҳбар ходимларнинг стратегик резервига номзодлар, соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, бош шифокор, бош шифокор ўринбосарлари, раҳбарликка захирага олинган кадрлар ва 56 нафар олий тоифали бош ҳамширалар малакаси оширилди.

Хисобот даврида жами 2888 нафар соғлиқни сақлаш тизимида раҳбар ходимларнинг стратегик резервига номзодлар, соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, бош шифокор, бош шифокор ўринбосарлари, раҳбарликка захирага олинган кадрлар ва 979 нафар олий тоифали бош ҳамширалар, 1329

нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий шериклик асослари, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя масалалари бўйича малакаси оширилди.

Тармоқ касаба уюшмасини малакали кадрлар билан янада мустаҳкамлаш, барча даражадаги касаба уюшмаси органларида фаолият олиб бораётган ходимлар ва фаолларни, айниқса янги сайланган касаба уюшма қўмиталари раисларини ўқитиш ҳамда малака оширишларини ташкил этиш мақсадида “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институти” нодавлат таълим муассасасида тасдиқланган режага асосан 2020 йилда 26 нафар, 2021 йилда 152 нафар (онлайн), 2022 йилда 100 нафар, 2023 йилда 151 нафар, 2024 йилда 105 нафар, 2025 йилнинг 1-ярим йиллигида 51 нафар, жами 585 нафар янги сайланган туман, шаҳар тибиёт бирлашмаси ва йирик бошланғич ташкилотлар касаба уюшма қўмитаси раислари ўз малакаларини оширдилар.

Ўқув машғулотларида тингловчилар учун Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятидаги фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкилотларида амалий машғулотлар ташкил этилди.

Касаба уюшма ташкилотларининг янги сайланган раислари ва ҳудудий меҳнат инспекторлари учун ташкил этилган ўқув машғулотларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг бўлим мудирлари ва мутахассислари, Республика Кенгашининг бош мутахассислари, касаба уюшмалари ўқитувчи-тренерлари ўз маърузалари билан ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда интерфаол услубларида дарс ўтишди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ташаббуси билан ҳудудий кенгашларнинг бухгалтерлари, мутахассислари, йирик бошланғич ташкилотларнинг ҳисобчиларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сайёр ўқув-семинари, шу билан бирга шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёхатлари ташкил этилиб, 2022 йилда 100 нафар, 2023 йилда 300 нафар, жами 400 нафар касаба уюшмаси фаоллари малакасини оширдилар.

Тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмасига жалб этишнинг янги механизмларини жорий қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида ҳам тизимли ишлар давом эттирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларида белгиланган асосий вазифалардан бири – касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш ишларини кучайтириш, касаба уюшмалари

аъзолари сонини сақлаб қолиниши ва ўсишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор улуши йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу бир томондан аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишда кенг танлов имкониятини тақдим этса, бошқа томондан хизматлар сифатини ҳам яхшилайти. Энг асосийси, бу – давлат тиббиёт муассасаларига тушадиган юкларнинг сезиларли даражада камайишига хизмат қилади.

Хусусий секторга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан травматология ва ортопедия, акушерлик ва гинекология, кўз микрохирургияси, урология ва кардиология каби ихтисосликлар бўйича тиббий хизмат кўрсатишга рухсат берилди. Шунингдек, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни нодавлат тиббиёт муассасаларида даволаниш харажатлари Давлат суғурта жамғармаси томонидан қоплаб берилмоқда.

Аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ҳисобот даврида янги ташкил этилган касаба уюшмаси ташкилотларига таъсис ҳужжатларини расмийлаштиришда, фаолиятини тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиб борилмоқда.

№	Ҳудудлар	Аъзолар сони					
		2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил 6 ойи
	Жами	9816	7533	12660	21456	99557	58816
1	ҚҚР	20	47	1622	1450	1807	1372
2	Андижон	145	367	386	983	5243	3621
3	Бухоро	250	249	40	1413	4477	4588
4	Жиззах	39	140	586	566	2006	672
5	Қашқадарё	532	281	931	1883	3285	5569
6	Навоий	185	184	915	4266	11039	1509
7	Наманган	577	1359	575	351	13705	10329
8	Самарқанд	317	372	1263	533	1920	3533
9	Сурхондарё	1588	146	292	2169	5563	2110
10	Сирдарё	29	69	1405	3321	10194	322
11	Тошкент	396	531	1298	3227	9089	5966
12	Фарғона	1110	1732	588	311	18 575	9884
13	Хоразм	332	96	1466	834	2940	3707
14	Тошкент ш	4296	1960	1293	149	9714	5634

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча иш берувчилар ва раҳбарлар бутун дунёда тан олинган қуйидаги қридага амал қилишларини истардим: ҳар қайси корхона ёки ташкилотда албатта касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар албатта улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт. Шундагина жамиятимизда меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларининг олди олинади, ҳаётимизда ижтимоий адолат янада мустақкам қарор топади.

Ш.Мирзиёев



2020 йилда 900 та нодавлат ташкилотларида меҳнат қилаётган 9 816 нафар, 2021 йилда 745 та ташкилотлардаги 7 533 нафар, 2022 йилда 1 990 та нодавлат ташкилотларида 12 660 нафар, 2023 йилда 1 406 та нодавлат ташкилотларида меҳнат қилаётган 21 456 нафар, 2024 йилда 3 806 та нодавлат ташкилотларида меҳнат қилаётган 99 557 нафар, 2025 йилнинг



1-ярим йиллигида 2 139 та нодавлат ташкилотларида меҳнат қилаётган 58 816 нафар, жами ҳисобот даврида республика бўйича 10 985 та нодавлат ва янги очилган ташкилотларда меҳнат қилаётган 209 839 нафар ходимлар касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

“2020-2021 ўқув йилида олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш режаси”га асосан олий ўқув юртларида таҳсил оловчи талабалар сони 10207 нафарга, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлар сони ҳисобот йилида аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида республика бўйича янги очилган тиббиёт ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмаси хизматига олиниши натижасида 7216 нафарга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелидаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан республикада 47 та тиббиёт коллежи Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этилди, 28 таси тиббиёт коллежи мақомида қолди. Мазкур ўқув йилида қабул квоталари ўтган йилларга нисбатан камайди. Натижада, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ишловчи ходимлар 1364 нафарга ва ўқувчилар сони ўтган йилга нисбатан 24098 нафарга, жами 25462 нафарга, олий ўқув юртлири ишловчи ходимлари сони 53 нафарга камайган.

Ташкилотларда пенсионер аёлларнинг нафақага чиқиши муносабати билан 2304 нафарга ишловчи аёллар камайган, янги очилган ташкилотларни тармоқ касаба уюшмаси хизматига олиш ҳисобига 3576 нафарга ишловчи ёшлар кўпайган.

**2020 йилда
бошланғич касаба уюшмаси
ташкилотлари сони
979 тани ташкил этди.**



Ушбу йилда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари сони олдинги йилга нисбатан 7 тага камайган. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 декабрь кунги 299 сон буйруғи асосида 2020 йил январдан бошлаб Чимбой туманидаги Республика тиббий реабилитация шифохонаси тугатилиб, Чимбой туман тиббиёт бирлашмаси таркибига киритилганлиги, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсатининг 2018 йил 29 март кунги “Бошланғич касаба уюшмаси тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 15-24“с” сон қарори асосида Тўрткул, Беруний, Амударё, Эллиқалъа, Тахиатош, Хўжайли, Шўмонай, Қонликўл, Қўнғирот, Муйноқ, Нукус, Кегайли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, туманлари ва Нукус шаҳар санитария эпидемиологик осойишталик марказларининг Қорақалпоғистон Республикаси санитария эпидемиологик осойишталик маркази касаба уюшмаси таркибига киритилганлиги, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсатининг

2020 йил 08 сентябрдаги “Бошланғич касаба уюшмаси тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 11-09“с” сон қарори асосида Тўрткул, Жаслық, ва Тахтақўпир туман бўлимларининг Республика ўлат ва ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси марказининг касаба уюшмаси таркибига киритилганлиги сабабли 20 тага камайиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Қорақалпоғистон Республикаси таркибида Бўзатов туманини ташкил қилиш тўғрисида”ги 304-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 сентябрдаги 217 сон буйруғи асосида Бўзатов туман тиббиёт бирлашмаси ташкил этилганлиги муносабати билан Бўзатов туман тиббиёт бирлашмасида янгидан касаба уюшма ташкилоти тузилганлиги сабабли бошланғич касаба уюшма ташкилотлар сони ўтган йилга нисбатан 19 тага камайган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 сонли фармони ижроси доирасида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Фарғона шаҳар 1- тиббиёт коллежи ва Тошкент тиббиёт коллежи фаолияти тугатилди. Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси цех қўмитаси сифатида ТТА касаба уюшма қўмитаси таркибига киритилган.

2020 йилда Тошкент шаҳрида 7 та, Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида 1 тадан, Тошкент Навоий вилоятларида 2 тадан, жами янги очилган 14 та ташкилотда бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилган.

Тармоқда ҳақ тўланадиган аппаратга эга бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари 131 тани ташкил этди., асосий ишидан озод этилган касаба уюшмаси ходимлари сони 165 нафарни, шулардан касаба уюшма қўмитаси раислари 121 нафарни ташкил этади. Шундан олий маълумотлилар 103 нафарни, аёллар 36 нафарни, ёшлар 1 нафарни ташкил этди. Жамоатчилик асосида ишлайдиган касаба уюшма қўмитаси раислари 858 нафарни ташкил этган. Шундан олий маълумотлилар 693 нафарни, аёллар 404 нафарни, ёшлар 42 нафарни ташкил этди. Республика бўйича 3 та касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси мавжуд бўлди. Улар 3 та ҳақ тўланадиган аппаратига эга бўлиб, уларда штат бирликлари сони 6 тани ташкил этди.



Республика Кенгаши аппаратида 13 нафар ходим (4 нафари аёллар), шу шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бўйича Республика Кенгашининг масъул ташкилотчилари 14 нафарни (7 нафари аёллар) ташкил этди.

2021 йилда корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлар сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ-6221 Фармониغا асосан оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда «тиббиёт бригадалари» фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб 10 мингта ўрта тиббиёт ходимлари штатлари ажратилиши ва аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида республика бўйича янги очилган тиббиёт ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмаси хизматига олиниши натижасида 11197 нафарга, “2021-2022 ўқув йилида олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш режаси”га асосан олий ўқув юртларида таҳсил олувчи талабалар сони 5911 нафарга, ўқувчилар сони 43590 нафарга, жами касаба уюшмалари сони 60698 нафарга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелидаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан республикада 47 та тиббиёт коллежи Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этилди, 28 таси тиббиёт коллежи мақомида қолган.

**2021 йилда
бошланғич касаба уюшмаси
ташкилотлари сони
975 тани ташкил этди.**



Ушбу йилда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари сони ўтган йилга нисбатан 15 тага кўпайган. Булар: Жиззах вилоятида 4 та, Навоий, Сурхондарё вилоятларида 2 тадан, Наманган вилоятида 3 та, Тошкент вилоятида 6 та, жами янги очилган 17 та ташкилотда бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилган. Самарқанд ва Хоразм вилоятларида 1 тадан ташкилотга камайган. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги ташкилотлар профкарта бўйича Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси хизматида бўлишига қарамасдан, агентликнинг Самарқанд вилоят бошқармаси (250 нафардан зиёд ходим) Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси хизматида олинган.


2021 йилда касаба уюшмаси тизимида ҳақ тўланадиган аппаратга эга бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари 136 тани ташкил этди, асосий ишидан озод этилган касаба уюшмаси ходимлари сони 168 нафарни, шулардан касаба уюшма кўмитаси раислари 126 нафарни ташкил этган. Шундан олий маълумотлилар 105 нафарни, аёллар 36 нафарни ташкил этади. Жамоатчилик асосида ишлайдиган касаба уюшма кўмитаси раислари 869 нафарни ташкил этади. Шундан олий маълумотлилар 732 нафарни, аёллар 391 нафарни, ёшлар 40 нафарни ташкил этади.

Республика Кенгаши аппарати, ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилар томонидан тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари билан ўтказилган кўплаб йиғилишлар ва учрашувлар давомида асосий эътиборни касаба уюшмасининг ҳимоя функциясига қаратиш, тармоқ касаба уюшмаси тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида бошланғич ташкилотларда қолаётган 60 фоиз аъзолик бадалининг 10 фоизи ҳисобидан ўз аппаратида эга бўлган ҳудудий кенгашларни қайта ташкил этиш бўйича қуйи ташкилотлардан кўплаб таклифлар тушганлигини инобатга олиб ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Уставининг 7.1 ва 10.3 - бандларига асосан 2021 йилнинг февраль-март ойларида тизимни такомиллаштириш ва оптималлаштириш юзасидан амалий ишлар олиб борилди.

Натижада, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг янги тузилмаси шакллантирилиб, тармоқ касаба уюшмасининг юридик шахс мақомига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари ташкил этилиши муносабати билан 2021 йил 3 апрелдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича Республика Кенгашининг масъул ташкилотчиси лавозимлари қисқартирилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия кўмитасининг 2021 йил 01 ноябрдаги “Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш

ходимлари касаба уюшмаси фаолияти ва тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-10”с” сонли қарори асосида 2022 йил 1 январдан тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги Фарғона шаҳар ва Навоий, Хоразм вилоят бирлашган касаба уюшмаси фаолияти тугатилди.

Тармоқда ходимларнинг меҳнатга оид, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитлари яратилиши бўйича иш ҳажмининг ортганлиги сабабли Республика Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бўйича меҳнат ҳуқуқ ва меҳнат техник инспекторлари лавозимлари жорий этилганлигини эътиборга олган ҳолда, Республика Кенгашида ҳудудий меҳнат ҳуқуқ ва техник инспекциясини ташкил этилди, уларнинг штат бирликлари, иш ҳақи миқдори белгиланиб, лавозим йўриқномалари Республика Кенгаши ижроия қўмитаси томонидан тасдиқлаб берилди. Республика Кенгаши штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, ҳозирги кунда Республика Кенгаши аппаратида 43 нафар ходим (6 нафари аёллар) фаолият юритмоқда. Ҳудудий Кенгашларда 3 тадан, Тошкент шаҳрида эса 5 та штат бирлигидан иборат штат жадвали Республика Кенгаши томонидан тасдиқланиб, раис, мутахассис ва бухгалтер лавозимлари жорий этилиб, ҳозирга кунда бу тузилмаларда 45 нафар ходим (16 нафари аёллар) ва 9 нафар енгил автомобил ҳайдовчилари - жами 54 нафар ходим фаолият юритмоқда.



Ушбу йилида корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлар сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ-6221 Фармонига асосан оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда «тиббиёт бригадалари» фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари